

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш қуриш ва ишлатиш”
кафедраси

Ҳимояга
РУХСАТ ЭТИЛСИН
МҚИФ декани

_____ Тошпулатов С.А.
“ _____ ” _____ 2015 й

5340400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун бажарилган битирув
малакавий ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Лойиҳа (иш)мавзуси: Муборак шаҳридаги турар жой мавзесини иссиқлик
билан таъминлаш

Лойиҳа муаллифи: Саидов Алишер Муродалиевич

Рахбар: катта ўқитувчи Мамажанов Т.

Маслаҳатчи:

Тушунтириш хати _____

Чизма _____ варақда

Ҳимояга “Р У Х С А Т Э Т И Л Г А Н”

“ИКЛҚИ” кафедраси мудири _____ доц. Буриев Э.С.

Тошкент 2015 й.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг асосий иқтисодий ва социал ривожланишининг асосини шаҳар ва вилоятлардаги турар жой биноларини иссиқлик билан таъминлаш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш туради.

Ҳозирги кунда тубдан ёқилги-энергетика комплексининг реконструкция қилиш, яъни суюқ ёқилгидан воз кечиб, асосан газсимон ва каттик ёқилгилардан қувроқ фойдаланиш ва энерготехника технологиялардан фойдаланиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда исстеъмолчиларнинг тахминан 70% марказлаштирилган иссиқлик билан таъминлаш тизимидан фойдаланилади.

Иссиқлик таъминоти тизимида иссиқлик ташувчи сифатида иссиқ сувдан фойдаланилади. Иссиқлик манбаидан иссиқлик ташувчи исстеъмолчига қувроқлар ёрдамида етказиб берилди. Иссиқ сув исстеъмолчиларга қувроқлар ёрдамида етказиб берилди. Марказий иссиқлик пунктларида урнатилган сув иситкичларда уз иссиқлигини бергач қайтиш қувроқлари орқали иссиқлик манбаига қайтади. Шундай қилиб иссиқлик ташувчи иссиқлик манбаи ва исстеъмолчи орасида сув доимий циркуляцияда бўлиб туради. Сув циркуляциясининг иссиқлик манбаига урнатилган насос таъминлаб туради.

Шаҳарлардаги замонавий иссиқлик билан таъминлаш тизими бу мураккаб инженерлик қурилмасидир. Иссиқлик манбаидан енг чеккада жойлашган исстеъмолчилар орасидаги масофа бир-неча 10 километрни ташқил етса, магистрал қувроқ диаметри 1400мм гача етади.

Иссиқлик тармоғи таркибига, қувроқлар, компенсаторлар, ҳарорат натижасида қувроқ узайишини узига қабул қилувчи, беркитувчи, узиб қуёвчи, соловчи, сакловчи уқуналар (махсус қамера ва коллекторларда урнатилган), насос станциялари, раён иссиқлик пунктлари, индивидуал иссиқлик пунктлари қиради.

Гидравлик ва иссиқлик режимлари бошқариш учун иссиқлик билан таъминлаш тизими автоматлаштирилади. Истеъмолчига берилётган иссиқлик миқдори, исстеъмолчи талабига қура созланиб берилди.

Иссиқлик билан таъминаш тизимини тинимсиз ва самарадор ишлаши нафақат қурилиш ишларини сифатидан, қабул қилинган инженерлик ечимлардан, замонавий лойихалаш ечимларидан ва улардан техник фойдаланиш сифатига ҳам боғлиқ бўлади.

Уз вақтида утказилган режали таъмирлаш ишлари учун ажртиладиган маблаг миқдорини камайишига олиб келади.

ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

Битирув ишини бажариш учун лозим булган маълумотлар.

Иссиқлик билан таъминлаш тизими Кашкадарё вилояти худуди Муборак шаҳрида жойлашган. Турар-жой бинолари асосан 4-5 каватли.

Климатологик тасниф К.М.К. 2.01-94 олинган.

Иссиқлик билан таъминлаш учун ташқи ҳаво ҳарорати $T_{н.о} = -12^{\circ}\text{C}$.

Вентиляция тизимини лойихалаштириш учун ташқи ҳаво ҳарорати $T_{р.о} = -12^{\circ}\text{C}$.

Иситиш тизими ишлайдиган давр $n=129$ кун.

Сув билан иситиш тизими икки қувурли иситиш тармоғи ва тизимли иссиқлик билан таъминлаш тизимига ега.

Иссиқлик ташувчи ҳарорати $150-70^{\circ}\text{C}$.

ИССИҚЛИҚ ЮКЛАМАЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ.

Иссиқлик билан таъминлаш тизимини лойихалаштириш учун, турар – жой жамоат ва маиший биноларни иситиш, уни вентиляцияси ва иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун керакли булган иссиқлик юкламаларини ҳисоблаш лозим. Иссиқлик юкламаларини ташқи хавонинг лойихалаштириш учун берилган ҳарорати, аҳоли сони ва иситиш майдонига мувофиқ равишда К.М.К. 2-04-07-87 гу кура йириклаштирилган курсаткичлардан фойдаланилган холда аниқланади.

Саноат ва жамоат ҳамда маиший бинолар учун иссиқлик юкламалари турдош биноларга сарф булаётган иссиқлик миқдори каби қабул қилинади.

Агарда бундай маълумотларга эга булмасак турар-жой ва жамоат бинолари учун сарф булаётган иссиқлик миқдори қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

а) турар-жой ва жамоат биноларини иситиш учун сарф булаётган иссиқлик миқдори:

$$Q_{j=0max} = q * A(1 + k_1). \text{МВт.}$$

б) Жамоат биноларини вентиляция тизими учун сарф булаётган иссиқлик миқдори:

$$Q_{b.max} = k_1 * k_2 * q_0 = A. \text{МВт.}$$

в) Турар-жой ва жамоат биноларини иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун сарф булаётган иссиқлик миқдори:

$$Q_{h.max} = q_r * m = \frac{1.2(a+b)*(55-i)}{2.4*3.6}$$

Бу ерда:

q_0 = турар-жой ва жамоат биноларининг ҳар 1 м^2 майдонини иситиш учун зарур булган максимал иссиқлик миқдори. (К.М.К. 2-04-07-87 2-илова)

A = турар-жой биноларини умумий майдони, м^2

k_1 = жамоат биноларининг иситиш тизимлари учун сарф булаётган иссиқлик миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент, махсус курсатма булмаса 0,25 га тенг деб олинади.

k_2 =жамоат биноларини вентиляция тизими учун сарф булаётган иссиқлик миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент, махсус курсатма булмаса 0,6 га тенг деб қабул қилинган.

q_r =хар-бир киши учун сарф булаётган иссиқ сув тайёрлаш учун сарф ишлатилаётган иссиқлик миқдорини йириклаштирилган курсатгичи

$$q_r=376 \text{ Вт.}$$

m =аҳоли сони, киши.

г) Турар-жой ва жамоат биноларини иссиқ сув билан таъминлаш учун сарф булаётган максимал иссиқлик миқдори:

$$Q_{h.max}=2.4 Q_{h.m.}$$

д) Иситиш тизими учун сарф булаётган уртача иссиқлик миқдори:

$$Q_{OUP} = Q_{Omax} * \frac{t_1-t_2}{t_i-t_{h0}}: \text{МВт}$$

е) Вентиляция тизими учун:

$$Q_{boirt} = Q_{b.max} * \frac{t_i-t}{t_i-t_{h0}}: \text{МВт}$$

Бу ерда:

Q_{Omax} =иситиш тизими учун сарф булаётган максимал иссиқлик сарфи.

t_i =иситилаётган хона ҳарорати турар-жой бинолари учун 18°C , ишлаб чиқариш бинолари учун эса = 16°C

t_{h0} = ташқи хавонинг ҳисобий ҳарорати.

t =ташқи хавонинг уртача ҳарорати.(иситиш даври учун)

ж) иситиш тизими ишламаган даврдаги иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун сарф бўлаётган иссиқлик миқдори:

$$Q_{ioirt}^s = q_i * \frac{55-t_e^s}{55-t_c} \beta$$

Бу ерда: t_e^s -иситиш тизими ишламаётган даврдаги совуқ сув ҳарорати, $t_e^s 15^\circ\text{C}$

t_c =иситиш тизими ишлаётган даврдаги совуқ сув ҳарорати, 5°C

β =иситиш тизими ишлаётган даврга нисбатан, иситиш тизими ишлаётган даврда иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун сарф бўлаётган ўртача сув

сарфини узгаришини ҳисобга оловчи коэффициент корхоналар учун $\beta = 1,0$,
жанубий шаҳарлар учун $\beta=1,5$

ЙИЛ ДАВОМИДА САРФ БЎЛАЁТГАН ИССИҚЛИҚ МИҚДОРINI АНИҚЛАШ

Йиллик иссиқлик сарфини нафақат ҳисобий йўл билан, графо аналитик йўл билан ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун йил давомида ҳарорат давомийлигини ҳисобга олиб график қурилади.

Бу график шунингдек марказлаштирилган иссиқлик билан таъминлаш тизимини бир қатор масалаларини: иссиқлик манбаига ўрнатиладиган ускуналарига танлаш, иссиқлик юктамаларини тақсимлаш ва ускуналар таъмири графигини тузиш, иссиқлик ташувчи параметрини танлаш каби масалалар хал етилиши мумкин.

Графикни тузиш учун, авваламбор турли ҳароратлар (ташқи хаво) давомийлиги аниқлаб олиниши лозим.

Сўнгра ордината ўқи ўтказилиб унинг чап томонида, ташқи хаво ҳароратига кўра бир соат давомида иситиш, вентиляция ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимига алоҳида-алоҳида сарф бўлаётган иссиқлик миқдорининг сарфи ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариши график тарзда кўрсатилади.

Аналитик йўл билан йиллик иссиқлик сарфи қуйида келтирилган формулалар асосида аниқланади:

$$Q_0^{\text{йил}} = Q_0 * \frac{T_v - T_{\text{срo}}}{T_v - T_{\text{нo}}} * 24 * n_o, \text{Вт}$$

Q_0 -иситиш тизими учун ҳисобий иссиқлик юктамаси, МВт

$$Q_0 = 61.3 \text{ МВт.}$$

T_v -хона ичидаги ҳаво ҳарорати

$$T_v = +18^\circ\text{C}$$

$T_{\text{срo}}$ -иситиш даври учун ташқи хавонинг ўртача ҳарорати

$$T_{\text{срo}} = 21^\circ\text{C}$$

$T_{\text{нo}}$ -иситиш тизими учун ташқи хаво ҳарорати

$$T_{\text{нo}} = 12^\circ\text{C}$$

$$Q_v^{\text{YIL}} = Q_v * \frac{T_v - T_{\text{срo}}}{T_v - T_{\text{нo}}} * \aleph * n_o$$

Q_v -вентиляция тизими учун сарф бўлаётган иссиқлик миқдори

$$Q_v = 7.4 \text{ МВт}$$

Тв-вентиляция тизимини ҳисоблаш учун хонадаги ҳаво ҳарорати. °C

$$T_v = 16^\circ\text{C}$$

№-сутка давомида вентиляция тизимини ишлаш вақти.

№-16 соат

$$Q_{p.v}^{\text{йил}} = 7.4 \frac{16 - 2.1}{16 + 12} * 16 * 129 = 7309.5 \text{ МВт}$$

Иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун.

$$Q_B^{\text{YIL}} = Q_{p.v}^{\text{ўр}} * 2.4 * n_0 + Q_{2.b}^{o'} * \frac{t_r - t_x}{t_2 - t_x} * 2.4 * \beta$$

$$(350 - h_o) \text{ Вт}$$

$Q_{p.v}^{\text{ўр}}$ -иссиқ сув тизими учун ҳисобий иссиқлик юкламаси. МВт.

$$Q_{p.v}^{\text{ўр}} = 18.4 \text{ МВт}$$

t_2 -иссиқ сув ҳарорати (60°C)

t_x -қиш давридаги совуқ сув ҳарорати (5°C)

$t_x^{\text{ë}}$ -ёз давридаги совуқ сув ҳарорати

$$t_x^{\text{ë}} + 15^\circ\text{C}$$

β -иситиш даври ишлаётган даврдаги иссиқ сув тизими учун сарф бўлаётган иссиқ сув сарфини, иситиш давридаги сув сарфига нисбатини кўрсатувчи коэффициент.

$$\beta = 0.8.$$

$$Q_{p.v}^{\text{йил}} = 18.4 * 2.4 * 129 + 18.4 * \frac{60 - 15}{60 - 5} * 24.08(350 - 129) = 136814 \text{ МВт.}$$

Умумий иссиқлик юкламаси

$$Q^{\text{йил}} = Q_0^{\text{йил}} + Q_0^{\text{йил}} + Q_{2.1}^{\text{йил}} = 97423 + 7309.5 + 136814 = 241546.5 \text{ МВт.}$$

Берилаётган иссиқлик миқдорини созлаш

1. Миқдорий созлаш.

Миқдорий созлаш услубига сув юбориш қувиридаги иссиқлик ташувчи ҳарорати доимо бир хил булади $T_1^p = 150^\circ\text{C}$

Иссиқлик юкламаларини ўзгариши берилаётган сув миқдори ўзгариши ҳисобига амалга оширилади. Қайтиш қувиридаги сувнинг ҳарорати ва сув сарфи ташқи ҳаво ҳароратига кўра ўзгариб туради.

Қайтиш қувиридаги сувнинг ҳарорати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$t_2 = t_1^p - t_{orr} \left(1 + \frac{T}{t}\right)^\circ\text{C}$$

t_{orr} =сув юбориш ва қайтиш қувурларидаги суув ҳароратининг ҳисобий фарқи

$$t_{orr} = 170 - 80 = 90^\circ\text{C}$$

θ_r -иситиш тизимидаги ҳисобий сув ҳарорати учун, иситиш асбобининг ҳарорат зўриқиши

$$Q_p = \frac{t_3 + t_2.0}{2} - t_b = \frac{95 + 70}{2} - 18 = 64.5^\circ\text{C}$$

$t_{m.p}$ -махаллий иситиш тизимидаги ҳароратлар фарқи

$$t_{m.p} = 95 - 70 = 25^\circ\text{C}$$

∂T = ташқи ва хона ичидаги ҳаво ҳароратларининг фарқи, (ҳисобланаётган ҳарорат учун)

∂T -иситиш тизимини лойихалаштириш учун олинган ҳисобий ташқи ҳаво ҳарорати билан хона ичидаги ҳаво ҳароратининг фарқи

$$\partial T = T_B - T_{H.0} = 18 - (-12) = 30^\circ\text{C}$$

Иситиш тизимидаги ҳаво ҳароратининг ўзгаришига кура қайтиш қувиридаги сув ҳароратининг ўзгаришини аниқаймиз

$$T_H = -8^\circ\text{C}$$

$$T_2 = 170 - 90 \left(1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 - 25} \left[1 - \frac{18 - (-8)}{30}\right]\right) = 71.8^\circ\text{C}$$

$$T_H = -4^\circ\text{C}$$

$$T_2 = 170 - 90 \left(1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 - 25} \left[1 - \frac{18 - (-4)}{30} \right] \right) = 63.55^\circ\text{C}$$

$$T_H = 0^\circ\text{C}$$

$$T_2 = 170 - 90 \left(1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 - 25} \left[1 - \frac{18 - (-0)}{30} \right] \right) = 63.55^\circ\text{C}$$

$$T_H = 4^\circ\text{C}$$

$$T_2 = 170 - 90 \left(1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 - 25} \left[1 - \frac{18 - (4)}{30} \right] \right) = 63.55^\circ\text{C}$$

$$T_H = 8^\circ\text{C}$$

$$T_2 = 170 - 90 \left(1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 - 25} \left[1 - \frac{18 - (8)}{30} \right] \right) = 63.55^\circ\text{C}$$

Аниқланган катталиклар бўйича жадвал тузилади

T_H	-8	-4	0	4	8	
T_2	71.8	63.5	54.8	45.7	36.6	

Жадвал асосида график тузилган.

Сувнинг ҳисобий сарфини қуйдагича аниқлаймиз.

$$G = \frac{\frac{\partial T}{\partial T_p}}{\frac{\partial T_p}{\theta_p} \left[1 + \frac{\frac{\partial T}{\partial T_p}}{\theta_p} \right]} = 0.8$$

$$T_h = -8^\circ\text{C}$$

$$G = \frac{\frac{18 - (-8)}{30}}{\frac{64.5}{90 - 0.5 * 2.5} \left[1 - \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right) \right] 0.8} = 0.8$$

$$T_h = -4^\circ\text{C}$$

$$G = \frac{\frac{18 - (-4)}{30}}{1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 \cdot 2.5 \left[1 - \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right) \cdot 0.8 \right]}} = 0.62$$

$$T_h = 0^\circ\text{C}$$

$$G = \frac{\frac{18 - (0)}{30}}{1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 \cdot 2.5 \left[1 - \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right) \cdot 0.8 \right]}} = 0.4$$

$$T_h = 4^\circ\text{C}$$

$$G = \frac{\frac{18 - 4}{30}}{1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 \cdot 2.5 \left[1 - \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right) \cdot 0.8 \right]}} = 0.34$$

$$T_h = 8^\circ\text{C}$$

$$G = \frac{\frac{18 - 8}{30}}{1 + \frac{64.5}{90 - 0.5 \cdot 2.5 \left[1 - \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right) \cdot 0.8 \right]}} = 0.22$$

Аниқланган катталикларни жадвалга киритамиз.

T_h	-8	-4	0	4	8
\vec{G}	0.8	0.62	0.47	0.34	0.22

Юқорида келтирилган катталикларга кўра график чизилади.

Бу график ташқи хаво ҳароратига кўра тармоқ суви сарфи ўзгаришини кўрсатади.

Место для формулы.

2. Берилаётган иссиқлик миқдорини сифатли сошлаш

Сифатли сошлашда бутун иситиш даври давомида тармоқ суви сарфи ўзгармайди. Иссиқлик юктамалар сув юборувчи ва қайтиш қувиридаги иссиқлик ташувчи ҳароратини ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади

$$\frac{Q_{p.в}^{\dot{p}}}{Q_0^p} = \frac{18.4}{61.3} = 0.30 \quad \text{нисбатга}$$

Ега булганлиги сабабли 2.04.07-97 ҚМҚ га асосан (иссиқлик тармоқлари)иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимларига сарф булаётган иссиқлик миқдорлари бўйича марказлаштирилган сифатли созлаш қабул қилинади.Бунда иситиш ва вентиляция тизими бўйича сув сарфи доимий етиб таъминланадиган.Иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун керакли бўлган иссиқлик миқдори сув юборувчи қувурдаги иссиқлик ташувчининг ҳарорати оширилиш ҳисобига таъминланади (иситиш графигидаги нисбатан).

Шу туйфайли юкламалар биргаликдаги бўлган бўлган хол учун созлаш бажарилганда иссиқлик тармоғидаги ҳарорат режими кўтарилган (ҳарорат) графиги бўйича ҳарорат режими ташқил етилади.

Бу график маиший иситиш графиги асосида қурилади.

Ушбу созлаш услуби қулланганда магистрал сув утказувчи қувурларни, иссиқ сув билан таъминлаш тизимига сарф булаётган сув миқдорини ҳисобга олинмйди, вентиляция ва иситиш тизими учун сарф булаётган сув миқдори бўйича ҳисоблаш мумкин.

Иссиқлик билан таъминлаш ёпиқ тизимида кўтарилган ҳарорат графиги ҳисобланганда, ташқи ҳаво ҳароратига турлича ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимининг баланс иссиқлик юкламасида, иссиқ сувни таъминлаб берувчи биринчи ва иккинчи даражадаги сув қиздир гичлардаги тармоқ суви ҳароратлар фарқи аниқланади.

Сув берувчи қувурдаги сувнинг ҳарорати $t_1^p = 150^\circ\text{C}$ қайтиш қувуридаги ҳарорат $t_2^p = 70^\circ\text{C}$ ва мвхаллий иситиш тизимларидаги ҳарорат $t_3^p = 95^\circ\text{C}$ бўлган ҳисобий ҳароратлар учун маиший-иситиш графиги тузиб чиқамиз.

Ташқи ҳаво ҳарорати ўзгариши билан қувурлардаги тармоқ суви ҳарорати ҳам ўзгаради

Сув юборувчи қувурларда

$$t_1 = T_b + \theta_p \left(\frac{\delta T}{\delta T_p} \right)^{0.76} + (\delta_{cp} - 0.5 * \delta t_{mp}) * \frac{\delta T}{\delta T_p}, \text{ } ^\circ\text{C}$$

Қайтиш қувурида

$$t_2 = T_b + \theta_p \left(\frac{\delta T}{\delta T_p} \right)^{0.76} - 0.5 \delta t_{m.p} \left(\frac{\delta T}{\delta T_p} \right) \cdot ^\circ\text{C}$$

Махаллий тизимдаги сув юбориш қувурида

$$t_3 = t_1 - (t_1^p - t_3^p) * \frac{\partial T}{\partial T_p} \text{ } ^\circ\text{C}$$

$$T_H = -8^\circ\text{C}$$

$$t_1 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right)^{0.76} + (80 - 0.5 * 25) * \frac{18 - (-8)}{30} =$$

$$133.9^\circ\text{C}$$

$$t_2 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right)^{0.76} - 0.5 * 25 \left(\frac{18 - (-8)}{30} \right) = 65.1^\circ\text{C}$$

$$t_3 = 133.9 - (150 - 95) * \frac{26}{30} = 86.3^\circ\text{C}$$

$$T_H = -4^\circ\text{C}$$

$$t_1 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - (-4)}{30} \right)^{0.76} + (80 - 0.5 * 25) * \frac{18 - (-4)}{30} = 118.5^\circ\text{C}$$

$$\begin{aligned} t_2 &= 18 + 64.5 \left(\frac{18 - (-4)}{30} \right)^{0.76} - 0.5 * 25 \left(\frac{18 - (-4)}{30} \right) = 59.7^\circ\text{C} t_1 \\ &= 18 + 64.5 \left(\frac{18 - (-4)}{30} \right)^{0.76} + (80 - 0.5 * 25) * \frac{18 - (-4)}{30} \\ &= 118.5^\circ\text{C} \end{aligned}$$

$$t_3 = 118.5 - (150 - 95) * \frac{26}{30} = 78.2^\circ\text{C}$$

$$T_H = 0^\circ\text{C}$$

$$t_1 = 18 + 64.5 \left(\frac{18}{30} \right)^{0.76} + (80 - 0.5 * 25) * \frac{18}{30} = 102.2^\circ\text{C}$$

$$t_2 = 18 + 64.5 \left(\frac{18}{30} \right)^{0.76} - 0.5 * 25 \left(\frac{18}{30} \right) = 54.2^\circ\text{C} t_1$$

$$t_3 = 102.2 - (150 - 95) * \frac{18}{30} = 69.2^\circ\text{C}$$

$$T_H = 4^\circ\text{C}$$

$$t_1 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - 4}{30} \right)^{0.76} + (80 - 0.5 * 25) * \frac{18 - 4}{30} = 85.6^\circ\text{C}$$

$$t_2 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - 4}{30} \right)^{0.76} - 0.5 * 25 \left(\frac{18 - 4}{30} \right) = 48.3^\circ\text{C}$$

$$t_3 = 102.2 - (150 - 95) * \frac{18 - 4}{30} = 60^\circ\text{C}$$

$$T_H = 8^\circ\text{C}$$

$$t_1 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - 8}{30} \right)^{0.76} + (80 - 0.5 * 25) * \frac{18 - 8}{30} = 68.2^\circ\text{C}$$

$$t_2 = 18 + 64.5 \left(\frac{18 - 8}{30} \right)^{0.76} - 0.5 * 25 \left(\frac{18 - 8}{30} \right) = 41.8^\circ\text{C}$$

$$t_3 = 102.2 - (150 - 95) * \frac{18 - 8}{30} = 50.0^\circ\text{C}$$

Аниқланган катталиклар жадвалга киритилади

T_H	-12	-8	-4	0	4	8
t_1	150	133.9	118.5	102.2	85.6	68.2
t_2	70	65.1	59.7	54.2	48.3	41.8
t_3	95	86.3	78.2	69.2	60.0	50.0

Юқорида жадвалга келтирилган қийматлар асосида маиший-иситиш ҳарорати созлаш графиги тузилади.

3. Кўтарилган ҳарорат графигини тузиш

Иссиқ сув билан таминлаш тизимидаги баланс юкламаси қуйидагича тузилади.

$$Q_{2.B}^6 = X_B * Q_{2.B}^{\ddot{p}}$$

Бу ерда X_B -бир сутка давомида иссиқ сув билан таъминлаш тизимидаги иссиқлик юкламаларини бир текисда бўлмаслигини ҳисобга олувчи коэффицент $X_B = 1.2$.

Маиший – иситиш графиги бўйича $T_H = 7.5^\circ\text{C}$ бўлганда $T_{2p} = 42^\circ\text{C}$ га тенг эканомиги аниқланади. Бунга кшра қиздирилаётган сув ҳарорати биринчи

сув иситгичдан сўнг 7°C га иситиш тизимидаги сув ҳароратидан паст

$$T_H = T_{2,p} - 7 = 42 - 7 = 35^{\circ}\text{C}$$

Маиший-иситиш ҳарорат графигига кўра биринчи сув иситгичдаги тармоқ суви ҳароратлари фарқини аниқлаймиз. Бунда сув юбориш ва қайтиш қувиридаги сув ҳарорати $T_{H,e}$ бўйича қабул қилинади (T^p . ва T_2^p).

$$T_H^1 = 7.5^{\circ}\text{C}$$

$$\delta_2^4 = 1.2 \frac{Q_{2,B}^{yp}}{Q_0} * \frac{T_{H-Tc}^i}{T_{p-Tc}} = 1.2 \cdot 0.3 \frac{42-5}{60-5} (150 - 70) = 15.8^{\circ}\text{C}$$

$$T_H = -12^{\circ}\text{C}$$

$$\delta_2 = \delta_2^1 \frac{T_{1,p-Tc}^i}{T_{2,p-T}^i} = 15,8 \frac{70 - 5}{42 - 5} = 27,8^{\circ}\text{C}$$

Қайтиш қувиридаги тармоқ сувининг ҳароратини кўтарилган график учун ҳисоблаймиз.

$$T_2^4 = T_{1,p} - \delta_2^1 = 70 - 27.8 = 42.2^{\circ}\text{C}$$

$$T_2^{ni} = T_{2,p} - \delta_2^4 = 42 - 15.8 = 26.2^{\circ}\text{C}$$

Қуйи ва юқори даражадаги сув қиздиргичлардаги тармоқ сувининг ҳароратини умумий ўзгариши .

$$\delta = \delta_1 + \delta_2 = \frac{Q_{2,B}^{\delta}}{Q_c} (T_{1,p} - T_{2,p}) = 0.36 (150 - 70) = 28.8^{\circ}\text{C}$$

Юқори даражадаги сув қиздиргичдаги тармоқ сувининг ҳароратлар фарқини аниқлаймиз.

$$\delta_1^1 = \delta - \delta_2^1 = 28.8 - 27.7 = 1.0^{\circ}\text{C}$$

$$\delta_1^4 = \delta - \delta_2^4 = 28.8 - 15.8 = 13^{\circ}\text{C}$$

Температура яни тармоқ сувининг сув юбориш қувиридаги кутарилган градус учун ҳарорати.

$$t_i^n = t_{i,p} + \delta_i^i = 150 + 1 = 151^{\circ}\text{C}$$

$$t_1^{n1} = t_{1,p} + \delta_1^4 = 70 + 13 = 83^{\circ}\text{C}$$

Аниқланган катталиклар бўйича кўтарилган ҳароратлар графиги тузилди.

ГИДРАВЛИК ҲИСОБ

Гидравлик ҳисоблашдан мақсад бу бутун тармоқ бўйича ега бўлинган босим ва аниқланган сарф бўйича тизим бўйича қувур диаметрини аниқлаймиз.

Иссиқлик ташувчи яъни сув қувурлар бўйича ҳаракатланганда, сув босимини юқотилиши қувур узунлиги бўйича ишқаланиш ва маҳаллий қаршилиқлар йиғиндисидан иборат бўлади.

$$\partial H = \partial H_n + \partial H_m$$

Қувур узунлиги бўйича гидравлик қаршилиқ.

Вейсбак-Дарси формуласи билан аниқланади.

$$\partial H_n = \gamma * \frac{l}{d} * \frac{\rho w^2}{2}$$

Бу ерда

γ -гидравлик ишқаланиш коэффициенти

L -қувур узунлиги м

d -қувурнинг ички диаметри м

ρ -сувнинг зичлиги кг/м³

w -сув тезлиги м/с

Гидравлик ишқаланиш коэффициенти умумий ҳолда Рейнолдс сони ва нисбий эквивалент ғадир-будурлигига боғлиқ бўлади. (k_{Σ}/d)

Иссиқ сув ўтказувчи қувурларда сувнинг ҳаракати турбулент режимда бўлади.

Ҳисоб китоб ишларини осонлаштириш учун меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади.

Сифатли созлаш режими бўйича гидравлик ҳисоб

Сифатли созлашда тармоқ сувининг ҳисобий сарфи иситиш, вентиляция ва иссиқ сув билан таминлаш тизими учун алоҳида алоҳида аниқланади.

Иситиш тизими учун

$$G_0 = \frac{3.6Q_0}{c*[t_{1p}+(t_{2p}+10)]} \quad \text{м/с}$$

10⁰-сув иситгичда сув иситилиш ҳарорати.

Вентиляция тизими учун

$$G_6 = \frac{3.6Q_6}{c*[t_{1p}+(t_{2p}+10)]} \text{ m/c}$$

Иссиқ сув тизими учун

$$G_{2.6}^{\text{ўр}} = \frac{Q_{2.6}^{\text{ўр}} \times 3.6}{c(t_{1p} - t_c^1)}$$

t_c^1 параметрли ўрнатилган сув қиздиргичдан кейинги тармоқ суви ҳарорати ҚМҚ 2.04.07 97 га кўра $t_c^1 = 30\text{C}$

Биринчи ҳисобий участка учун сув сарфини аниқлаймиз

$$G_0^1 = \frac{15.57 \times 3.6}{4.19[170 - (70 + 19)]} = 148.6$$

$$G_6^1 = \frac{1.86 \times 3.6}{4.18[170 - (70 + 10)]} = 17.8$$

$$G_{2.6}^{\text{ўр}} = \frac{4.68 \times 3.6}{(170 - 30)} = 28.7$$

Қолган участкалар учун ҳам ҳисоб шуларидега тарзда бажарилади. Ҳисоб натижалари жавалга келтирилади.

Сифатли сошлаш режими бўйича гидравлик ҳисоб.

Иссиқлик ташувчи ортирилган график бўйича ҳисобланади. Бу ҳолда сувнинг ҳароратини ошириш туфайли иссиқ сув билан таминлаш тузуми учун керакли бўлган иссиқлик юкласини таминлаб иситиш ва вентиляция тизими учун керакли бўлган иссиқлик миқдорини таминлаб беради. Бу режим учун сув сарфи қуйидаги фўрмига бўйича аниқланади. иситиш тизими учун

$$G_0 = \frac{3.6 * Q_0}{c * (t_{1.p} - t_{2p})}$$

Вентиляция тизими учун

$$G_B = \frac{3.6 * Q_0}{c * (t_{1.p} - t_{2p})}$$

Биринчи участка учун ҳисоб ишларини бажарамиз.

$$G_0 = \frac{15.57 * 3.6}{4.19 * (150 - 70)}$$

$$G_B = \frac{1.86 * 3.6}{4.19 * (150 - 70)}$$

Қолган участкалар учун ҳам ҳисоб шу тарзда бажарилади.Натижалар жадвалга келтирилган.

Ёзги ва махсус режим учун гидравлик ҳисоб

Ёзги режимда тессиклик манбаида ишлаб чиқарилаётган иссиқлик, фақат иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун сарф булади.

Тармоқдан ўтаётган сув миқдори иссиқ сув билан таъминлаш тизимига сарф бўлаётган сув миқдorigа тенг бўлади.Тармоқ қувурларининг диаметри ўзгармаганлиги сабабли, иссиқ сувига сарф булаётган сув миқдorigа кўра гидравлик ҳисоб бажарилади.

Ҳисоб натижалари жадвалга келтирилган.

Махсус режимда тармоқдан утаётган сув миқдори камаяди Тармоқ суви сарфи ўзгаришини графикдан олган холда, гидравлик ҳисоб жадвалига кўра сув юбориш ва қайтиш қувурида юқолаётган сув босими миқдорини аниқлаймиз.

Натижалар жадвалга келтирилган.

ГИДРАВЛИК РЕЖИМ

Гидравлик режимда тизимнинг исталган нуқтасида, исталган вақтида босим ва сув сарфи орасидаги боғлиқлик келтирилади.

Ҳисобий гидравлик режим, исътемоличиларни иссиқлик юкламаларига еўра иссиқлик ташувчини тақсимланиши билан характерланади. Бу боғлиқликни гидравлик ҳисоб асосида тузилган пезометрик графикда яққол кўринади. Пезометрик грақик, трасса жойлашган иссиқлик тармоғини жойлашувига нисбатан босимни график курунишини кўрсатади.

Пезометрик графикда маълум бир масштабни жой релйеи, биноларнинг баландлиги, иссиқлик манбаи ва исътемоличиларда юқотилгн босим (сув юбориш ва қайтиш қувурида) тизим ега булган босим кўрсатилади.

Иссиқлик билан таъминланишнинг ёпиқ тизимдаги пезометрик графигида иссиқ сув билан таъминлаш тизими ва боғлиқ бўлмаган холда уланган иситиш ва вентиляция тизимлари оптимал режимда ишлаётганини кўрсатади.

Қайтиш қувуридаги сув босими МИП ДА ўрнатилган сув-сувли сув иситгичлар учун рухсат етилган ишчи босимдан паст, техник таснифга кўра сув қиздиргичларда техник хужжатларга кўра ишчи босим 140 мм.см.уст. тенг. Сув юбориш қувуридаги босим, тармоқ насослари ишлаганда, сув ҳарорати $t_1 = 170^{\circ}\text{C}$ бўлган холат учун, қайнаб кетмаслик шартини таъминлайди. Тармоқнинг исталган нуқтаси қайнамаслик чизиғи $H_{\text{нс век}}=100$ мм.см.уст. қайтиш қувуридаги сув босими, атмосфера босимидан 70 мм.см.уст. га ортиқ, бу еса тизимни хаво сўришига ва кавитация холати руй бермаслигини таъминлайди, сув-сувли сув қиздиргичларни қаршилиги МИП ега бўлган босимдан катта емас.

Ҳисобий булмаган режимли иссиқлик таъминлаш тизими ишида тармоқ суви миқдори кам бўлганлиги сабабли, тармоқда босим юқолиши миқдори камаяди, бунинг натижасида тармоқланиш нуқталари ва исътемоличилар уланган жойдаги босим ортади.

Ёзги режимда, яъни тармоқдан фақат иссиқ сув билан таъминлаш тизимига сув берилганда, тармоқдаги босим юқолиш миқдори енг кичик катталиқка ега булади, тармоқ ега бўлган босим иссиқ сув билан таъминлаш учун ўрнатилган сув қиздиргичларнинг қаршилигини енгиб ўтиш учун сарф бўлади. Шу сабабли, иссиқлик манбаида ёзги тармоқ насоси ўрнатилади.

ИССИҚЛИК ПУНКТИ

Иссиқлик билан таъминлаш тизимларида турлича иссиқлик юктамалари бўлганлиги сабабли марказлаштирилган созлаш услуги барча исьтемомолчиларни суткалик ва мавсумий графиклари бўйича иссиқлик билан таъминлай олмайди.

Бу еса иссиқлик энергиясини бир мунча кўпроқ сарф бўлишига ва камфорт яшаш шароитини таъминлааб бера олмайди. Шусабабли иссиқлик пункти, умумий иссиқлик билан таъминлаш тизимида иссиқлик тармоғи учун хам. (иссиқлик ташувчини тақсимлаш), истемолчининг ички тармоғи учун хам (сув сарфини созлаш, хароратни созлаш) муҳим аҳамиятга ега.

Иссиқлик пунктида ўрнатилган ускуналарнинг миёёрида ишлаши исьтемомолчига узатилаётган иссиқлик хамда иссиқлик ташувчидан самарадор фойдаланиш имконини яратади.

МАРКАЗИЙ ИССИҚЛИК ПУНКТЛАРИ

Турар-жо мавзеларининг комплексини раён қозонхоналаридан иссиқлик билан таъминлашда иссиқлик пунктларининг рационал формаси буМ.И.П. дир.

М.И.П.-қимматли ва доимо схематик равишда назорат қилиб турилиши лозим бўлган ускуналарни, уларга хизмат кўрсатиш шароитлари қулай булган алоҳида биноларга ўрнатилиши сабабли биноларга ўрнатилган маҳаллий иситиш пунктлари соддалаштиришга имкон яратади.

Марказий иситиш пкнктлари (М.И.П.) магистрал ва тармоқлааниш тармоқлари чегарасида жойлаштирилади.

Лойихалаштирилаётган ишда М.И.П. гача икки қувурли тизим раён қозоҳонасидан келтирилиши қабул қилинган. М.И.П. дан кейин еса тўрт қувурли (иккита қувур иситиш ва вентиляция тизими учун, иккита қувур иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун.) иссиқлик билан таъминлаш тизим қабул қилинган.

Сифатли созлаш тизимига ега иссиқлик билан таъминлаш тизимдаги марказий иситиш пунктига ўрнатилган ускуналар ҳисоби ва уларни танлаш.

Ушбу созлаш услуги учун параллел схема бўйича уланган сув-сувли сув қиздиргичлар иссиқ сув билан таъминлаш тизимига хамда иситиш ва вентиляция тизими учун хам шу турдаги сув қиздиргичлар ўрнатиш кўзда тутилган.

Иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун ўрнатилган сув қиздиргичлар сувнинг доимий ҳароратида, тармоқ сувининг сарфи ўзгарганда белгиланган иссиқлик миқдорини таъминлаш бериши лозим.

М.И.П.(4)учун ҳисоб.

Иссиқ сув билан таъминлаш тизими учун иссиқлик юкмаси $Q_{2.В}^{\dot{p}} = 4.89$ МВт, иссиқ сув тизимидаги сув сарфи $Q_{2.В} = 30$ м/соат

Водопровод суви сарфи

$$G_b = \frac{3.6 * Q_{2.В}^{\dot{p}}}{c * (T_p - T_x)}$$

$$G_b = \frac{3.6 * 4.89 * 10^3}{4.19 * (60 - 5)}$$

Қувурлар орасидаги сув ҳаракати тезлигини 1м/сек деб қабул қилиб қувурлар орасидаги қирқим юзасини аниқлаймиз.

$$\rho = 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3}$$

$$t_m = \frac{G_b}{3600 * \rho * v}$$

$$t = \frac{\frac{76.4}{3} * 10^3}{3600 * 1000 * 1} = 0.0071 \text{ м}^2$$

Учта параллел уланган сув қиздиргич танлаймиз.(қувур қирқим юзаси $\varphi_{Тр} = 0.00293 \text{ м}^2$, қувурлар орасидаги юза қирқими $\varphi_{М} = 0.005 \text{ м}^2$, қувурлар орасидаги юзанинг эквиваленти диаметри $d_{m/ekv} = 0.0155$). Бу сув қиздиргичлар учун қувурдаги қиздирувчи сувнинг тезлиги $\omega_{Т}$ ва қувурлар орасидан ўтаётган қизувчи сув тезлиги $\omega_{Т}$ ни аниқлаймиз.

$$\omega_2 = \frac{G_{2.В}}{3.6 * \varphi_{и} * \rho c} = \frac{\frac{30}{3}}{3.6 * 0.00293 * 958.38} = 0.99 \text{ м/сек}$$

$$\omega_{М} = \frac{G_{2.В}}{3.6 * \varphi_{и} * \rho c} = \frac{25.5}{3.6 * 0.00293 * 958.38} = 1.4 \text{ м/сек}$$

Бу ерда

ρ_c -тармоқ сувининг ўртача ҳароратини сувнинг зичлиги

$$t_c = \frac{170 + 30}{2} = 100^\circ\text{C}$$

$$\rho_c = 958.38 \text{ kg/m}^3$$

ρ_v -водапровод сувининг зичлиги

$$T_B = \frac{60 + 5}{2} = 32.5^\circ\text{C}$$

